

Тежамкорлик — бахиллик эмас



09:50 / 27.12.2025 1682

Хусайн ибн Али розияллоху анхумо ёш бола эди. Закотга берилган хурмодан бир дона олиб оғзига солди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Қиҳ-қиҳ, ташла уни. Бизнинг садақа емаслигимизни билмайсанми?!» дедилар...

Бир куни Набий соллаллоху алайҳи васаллам йўлда кетаётган эдилар. Йўлдан бир дона хурмо топиб олдилар ва дедилар: «Агар унинг садақа (закот) хурмоси бўлишидан қўрқмаганимда, еган бўлар эдим...»

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анхумо кетаётиб йўлдан бир дона хурмо топиб олди. Уни артиб еди!..

Ўзгартирилмаган Таврот ва Инжилда Набий соллаллоху алайҳи васаллам «ҳадяни қабул қилади, садақани емайди», дея сифатланган. Пайғамбар бўлганларидан сўнг бирор таом келтирилса: «Бу садақами ёки ҳадями?» деб сўрар эдилар. Агар «ҳадя», дейилса ер, «садақа» дейилса, саҳобаларга: «Буни енглар», дер, аммо ўзлари емас эдилар.

Демак, Набий соллаллоху алайҳи васаллам ва у кишининг оилалари садақа ейишмаган. Бу ҳукм фақат уларга хос, барча мўминларга эмас.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам кичик фарзандларини ислом аҳкомларига асосан тарбия қилар эдилар. Улар улғайишгач, бу ҳукмлар

уларнинг табиатига, шахсиятига айланиб бўларди. Юқорида набиралари Хусайнга «биз садақа моли-ни емаймиз», дея шариат ҳукмини ўргатяптилар. Бошқа бир болага: «Ҳой бола! Бисмиллаҳни айт-гин, ўнг қўлинг билан, олдиндан олиб егин!» деганлар. Бошқа бир болага ақидасини ўргатганлар: «Аллоҳни муҳофаза қил, Аллоҳ ҳам сени муҳофаза қилади. Аллоҳни муҳофаза қил, уни рўпарангда топасан!»

Баъзилар «болани ҳолига қўйинглар, болалигини яшаб олсин», дейишади. Бундай дейиш тарбиянинг қимматини билмасликдир. Ҳолбуки, улар фарзандларига ҳайвонлар овозини, ўқиш ва ёзишни барвақт ўргатишга ҳаракат қилишади. Нега уларни болалигини яшагани қўйишмайди?! Нима, фақатгина дин болаликка қаршими?!

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга неъматни эҳтиром қилишни ўргатяптилар. Неъматлар бошида овқат туради. Бир дона хурмонинг увол бўлишини истамадилар. Агар у садақа-закот хурмосидан бўлмаганида еган бўлар эдилар. У зотнинг суннатларига амал ўлароқ, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо бир дона хурмони ердан олиб артиб едилар. Чунки у зот аҳли байтдан эмасдилар. Борди-ю хурмо садақа хурмосидан бўлганида ҳам у кишига зарар бермасди!

Бир дона хурмони увол қилишга рози бўлмаган Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бугун биз чиқиндилар қутисига ташлайдиган овқат-нонларга рози бўлармидилар?!

Эҳтиёжингизга қараб пишинг.

Тежамкорликда бахиллик йўқ. Қолаверса, овқат кўп бўлса, уни эртаси куни ҳам ейиш, музлатгичда сақлаб қўйиш ёки фақир-мискинларга бериб юбориш мумкин. Бу иш чиқиндига ташлашдан кўра яхши-ку!

«Набавий тарбия» китоби асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1506-рақамли ва 2023 йил 24 мартдаги 01-07/1959-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.